

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВА ЛАЙЛО ОЛИМДЖОНЗОДА

ҚОРИН ОЛДИНГИ ДЕВОРИ ЧУРРАЛАРИДА БИРГА КЕЛАДИГАН
АБДОМИНОПТОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ҚОРИН ОЛД
ДЕВОРИ ПЛАСТИКАСИНИ ТАНЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хайдарова Лайло Олимджонзода

Сорин олдинги девори чурраларида бирга келадиган абдоминоптоз билан оғриган беморларда қорин олд девори пластикасини танлашда дифференциал ёндашув 3

Хайдарова Лайло Олимджонзода

Дифференцированный подход к выбору пластики передней брюшной стенки у больных вентральной грыжей и сопутствующим абдоминоптозом 31

Khaydarova Laylo Olimjonzoda

Differentiated approach to the choice of anterior abdominal wall plastic surgery in patients with ventral hernia and concomitant abdominoptosis 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 66

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВА ЛАЙЛО ОЛИМДЖОНЗОДА

ҚОРИН ОЛДИНГИ ДЕВОРИ ЧУРРАЛАРИДА БИРГА КЕЛАДИГАН
АБДОМИНОПТОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ҚОРИН ОЛД
ДЕВОРИ ПЛАСТИКАСИНИ ТАНЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2024

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3914 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Шербек Улугбек Ахрорович тиббиёт фанлари доктори (DSc) |
| Расмий оппонентлар: | Рузибоев Санжар Абдусаломович тиббиёт фанлари доктори, доцент. Назаров Шохин Қуватович тиббиёт фанлари доктори, профессор. |
| Етақчи ташкилот: | В.И.Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси) |

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...семизлик аҳоли ўртасида кенг тарқалиб бормокда ва бунданда кўпайиш тенденциясига эга...»¹. Семизлик эрта ўлим хавфини сезиларли даражада оширувчи гипертония, юрак ишемик касаллиги, қон томир атеросклерози, қандли диабет 2-тури, «...гормонал касалликлар каби жиддий терапевтик касалликларнинг асосий сабаби бўлибгина қолмасдан, бирламчи, ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказилган турли хилдаги аралашувлардан кейин юзага келувчи қорин чурралари пайдо бўлишига ҳам олиб келади...»². Одатда, беморларнинг ушбу гуруҳида жиддий ҳамроҳ касалликлар, жарроҳлик пайтида юзага келиши мумкин бўлган техник қийинчиликлар, шунингдек операциядан кейинги даврда асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлганлиги сабабли жарроҳлар учун маълум даражада қийинчиликлар туғдиради. Кўпинча бундай беморларга "аввал озиш, кейин эса операция" тавсиялари билан режали жарроҳлик даволаш амалиёти рад этилади. «...шошилиш кўрсатмалар асосида бажарилган жарроҳлик аралашувлари бу беморларда бир неча мартаба юқори операцион хавф билан кечади...»³. Чурра мавжудлиги сабабли кайфиятнинг депрессияга қадар пасайиши, ҳаракатсизлик тана вазнининг янада кўпайишига ва оқибатда чурранинг катталанишига олиб келади. Чурранинг қайталанганига олиб келувчи нотўлиқ бажарилган операция беморларнинг яшаш сифатини янада ёмонлаштиради, тўлиқ тузалиш ва нормал ҳаётга қайтиш имкониятига бўлган ишончни сусайтиради.

Дунё миқёсида семизлик билан кўшилиб келувчи касалликлар, шу жумладан вентрал чурра билан оғриган беморлар сонининг кўпайиб бораётгани ушбу беморларда чурраларни жарроҳлик даволаш хусусиятларини, операциядан кейинги даврда юзага келиши мумкин бўлган асоратларни аниқлаш, уларни олдини олиш учун мақбул жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Бугунги кунда мавжуд жарроҳлик мактаблари ва герниопластика усуллариининг хилма-хиллиги, баъзида турли хил жарроҳларнинг бир хил муаммо бўйича қарама-қарши қарашлари, ушбу муаммо бўйича мавжуд билимларни тизимлаштириш ва тўғри баҳолаш зарурлигини белгилайди. Шундай қилиб, вентрал ва операциядан кейинги қайталанган чурра билан бўлган ортиқча вазли, ҳамда семиз беморларда жарроҳлик аралашув усули ва кўламини танлашда жарроҳлар ўртасида ҳозирча маълум бир келишувнинг йўқлиги аниқ. Ягона концепцияни ишлаб чиқишдан ташқари, қуйидаги вазифалар долзарб бўлиб қолмоқда: семизлиги

¹ World Health Organization. Hernias: fact sheet no. 199. World Health Organization website. 2017. www.who.int/iris/handle/10589/1111189.

² Elstner K. E. et al. Preoperative progressive pneumoperitoneum complementing chemical component relaxation in complex ventral hernia repair //Surgical endoscopy. – 2017. – Т. 31. – №. 4. – С. 1914-1922.

³ Тешаев О. Р., Хайитов И. Б. Экспериментальное моделирование грыжи передней брюшной стенки с абдомино-висцеральным ожирением //Журнал теоретической и клинической медицины. – 2016. – №. 4. – С. 23-25.

бўлган беморларда герниопластикани қайталанишсиз бажариш билан бирга, эстетик компонентни ҳам эътибордан қолдирмаслик. Шу муносабат билан, ушбу тоифадаги беморларни жарроҳлик даволаш алгоритмларини мақбуллаштириш ва ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»⁴. каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказиладиган жарроҳлик аралашувлари ва жарроҳлик агрессиялари, симултан, кенгайтирилган, кўшма операциялар сонининг ортиши, ҳамда операция ўтказган беморлар орасида III-IV даражали семизлиги бўлган беморлар сонининг кўплиги ОКВЧ ҳолатларининг сезиларли ўсишига олиб келди (Berrevoet F. et al. 2017).

Операциядан кейинги жароҳатнинг битиши яхши бўлганда ҳам морбид семизлиги бўлган беморларда ОКВЧ ривожланади, бу эса тўқималарнинг прогрессив морфофункционал етишмовчилигига олиб келади. Ушбу ҳолат чурра қайталаниши кузатилган беморларга хос бўлиб, кейинчалик уларда чурра касаллиги ривожланади (Куликов Н.А. 2018).

Вентрал чурра юзага келишининг сабабларидан бири бу семизликнинг мавжудлигидир. Турли даражадаги семизлиги бўлган беморлар вентрал чурра билан бўлган барча беморларнинг 50% дан 70% гача қисмини ташкил

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

қилса, морбид семизлик - 34% беморларда кузатилади. Семизлик, бир томондан, чурра шаклланишига олиб келади, бошқа томондан – унинг белгиларини авж олдиради, яъни семизлик вентрал чурралар ривожланишида ва қайталанишида этиологик омил эканлиги шубҳасиз тан олинади. Герниопластикадан кейин чурраларнинг қайталаниш частотаси 3-13% ни ташкил қилса, морбид семизликда ушбу кўрсаткич 28% га етади (Baylón K. et al. 2017).

Ҳозирги вақтда полипропилен ва политетрафлороэтилендан тайёрланган тўрли эндопротезлар кенг қўлланилмоқда. Бироқ, уларни амалда қўллаш имкониятлари кўпинча турли хил омиллар, шу жумладан операциядан кейинги асоратларнинг ривожланиши туфайли чекланган (Магеррамов Д.М., Медеубеков У.Ш. 2017).

Вентрал чурраларни даволашда долзарб муаммо бу эрта асоратлардир, чунки бу операциядан кейинги даврнинг узоқ давом этиши, беморнинг кўшимча маънавий ва жисмоний азобланиши ва юзага келиши мумкин бўлган ўлимнинг асосий сабабидир. Катта ва улкан вентрал чурраларни даволашда техник жиҳатлардан ташқари муҳим муаммолардан бири, қорин бўшлиғи босимининг (ҚББ) ошиши бўлиб, бу қорин ичи гипертензия синдроми, нафас олиш ва юрак етишмовчилигининг ривожланишига олиб келади, оқибатда эса операциядан кейинги дастлабки давр кечиши сезиларли даражада ёмонлашиб, ўлим сони ошади (Калиш Ю.И. ва бошқ. 2015).

Қорин олд деворининг заифлиги, герниогенез жараёни ҚББ ва қорин деворларининг унга қарши туриш қобилияти ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши фонида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда вентрал чурранинг шаклланиш жараёни кўплаб омилларнинг йиғиндиси бўлиб, улар ривожланишининг асосий механизми бу ҚББ ошиши фонида жароҳатни битиши вақтида қорин девори бириктирувчи тўқима тузилмаларининг етишмовчилиги ҳисобланади (Мухтаров З.М., Малков И.С., Алишев О.Т. 2014).

Ҳозирги вақтда абдоминопластика пластик жарроҳликда жуда кенг тарқалган амалиётлардан бири ҳисобланади. Тери – ёғ лахтагининг кенг сафарбар қилиниши апоневроз нуқсони атрофидаги тўқималарнинг ҳолатини баҳолаш, кўшимча чурра дарвозалари ва заиф жойларини аниқлаш имконини беради. Аммо чуррани бартараф этиш билан бир вақтда амалга ошириладиган симултан амалиётларга бўлган муносабат жарроҳлар орасида ноаниқлигича қолмоқда. Кўпгина муаллифлар семизликни операциядан кейин юзага келувчи чурраларнинг асосий сабаби эканлиги тўғрисидаги фикрга қўшилади ва фақат уларнинг бир қисмигина вентрал чурраларни бартараф этиш пайтида тери-ёғ фартугини олиб ташлаш зарурлигини таъкидлайди. Айрим жарроҳлар қорин чурраси ва абдоминоптоз билан беморларда абдоминопластикадан фойдаланиш операциядан кейинги даврни кечишини яхшилади, асоратлар сонини камайтиради, ҳамда операциядан кейинги эрта ва кечки даврда яхши натижа беради, деган фикрга қўшиладилар. Апоневроз яхлитлигининг тикланиши ва қоматнинг

гўзаллашиши сабабли, семизликнинг асосий сабабини бартараф қилмасдан туриб нисбаттан ижобий натижага эришилади.

Шу билан бирга, яна бир қанча бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Тери ости ёғ қавати ҳар қандай шикастланишга жуда сезгир бўлиб, герниопластика билан бир вақтда ўтказиладиган абдоминоластикага қарши бўлганлар ўз позицияларини маҳаллий асоратлар - гематомалар, инфекциялар, некроз частотасининг сезиларли даражада ошиши билан изоҳлайдилар. Турли усулларда ажариладиган абдоминоластика босқичида тери ва ёғ қавати тўқималарининг сезиларли даражада кўчиши кузатилади, бу эса ҳар хил асоратларга олиб келади.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, вентрал чурра ва абдоминоптоз бўлган беморларда тана вазнини камайиши кўпчилик муаллифлар кўрсатганидек, чурра қайталанишининг олдини олишда асосий этиопатогенетик омил ҳисобланади. Қониқарсиз натижалар улушининг катталиги, мақбул даволаш усулини танлаш имконсизлиги, бу соҳада яна тадқиқотлар олиб борилишини рағбатлантиради. Юқорида айтиб ўтилганлар, абдоминоптоз бўлган беморларда вентрал чурраларни жарроҳлик даволашда мақбул ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг "Вентрал чурраларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш" тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган (2020-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларда қорин олд девори пластика усулини дифференциал танлаш орқали жарроҳлик даволаш натижаларини яшшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларда компютертомографик герниоабдоминометрия маълумотларига кўра қорин олдинги деворини реконструкция ва коррекция усулларини танлаш меъзонларини аниқлаштириш;

операция вақтида ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш мақсадида герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулини ишлаб чиқиш;

вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларда герниоаллоластика ва дерматолипэктомия усулларини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

вентрал чурра ва ҳамроҳ абдоминоптоз бўлган беморларда кўшма герниоаллоластика ва дерматолипэктомия клиник самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси жарроҳлик бўлимида 2017 - 2022 йиллар давомида вентрал чурра ва абдоминоптоз ташхиси билан стационар даволанган 105 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предметини вентрал чурра, ҳамда ҳамроҳ абдоминоптозда герниоаллопластика ва дерматолипэктомия танлашда дифференциал ёндашув қўлланилган беморларнинг текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилиш ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

операциядан олдин қорин олд деворидаги нуқсонлар топографиясини ва чурра ҳажмини қорин бўшлиғи ҳажмига нисбатини аниқлаш, ҳамда пластиканинг энг мақбул усулини танлаш имконини берувчи компютертомографияли герниоабдоминометриянинг юқори информативлиги исботланган;

вентрал чурралар ва абдоминоптозда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулларини дерматолипэктомия билан бирга бажариш орқали қорин олдинги деворини коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

беморларда чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомиянинг зарурати клиник асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ушбу тоифадаги беморларда, герниоаллопластикадан кейин қорин ички босими ошиши туфайли имплантнинг пастга силжиши, қорин деворидаги кучсиз жойларнинг очилиб қолиши ва протез атрофидан чурра пайдо бўлиши, ҳамда имплантнинг бужмайишига олиб келувчи тўқималардаги дистрофик – дегенератив ўзгаришларга сабаб бўлувчи катта ҳажмда тери – ёғ фартугининг қолдирилиши, чурра қайталинишининг асосий сабаби эканлиги аниқланди;

касаллик қайталанишини олдини олиш имконини берувчи, эндопротезни мушак – апоневротик деворнинг барча қаватларидан ўтказиб П – симон чоклар билан фиксация қилиш ёрдамида ўтказиладиган таранглашмаган «onlay» герниоаллопластика ва протез дубликатурасини ҳосил қилиш орқали ўтказиладиган таранглашмаган «onlay+sublay» герниоаллопластикани дерматолипэктомия билан бирга бажариш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

қорин бўшлиғидан ташқари ва жароҳатга оид асоратлар частотасини қисқариши, семизлик даражасининг аҳамиятли камайиши, ташқи нафас кўрсаткичларининг яхшиланиши, қон босими юқори кўрсаткичлари ва қандли диабетнинг пасайиши орқали қорин чурралари ва абдоминоптоз билан беморларда қўшма герниоаллопластика, ҳамда дерматолипэктомиянинг клиник самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади, бу вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Абдоминоптоз билан беморларда қорин олд деворини тиклаш ва коррекция қилишнинг техник жиҳатлари такомиллаштирилган. Операциядан кейинги эрта ва қорин бўшлиғидан ташқари асоратлар частотасини камайтириш, касалликнинг қайталаниш ҳолатларини бартараф этиш имконини берувчи кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми таклиф этилган. Вентрал чурра ва абдоминоптозда герниопластика ва дерматолипэктомиядан кейинги беморлар яшаш сифатини баҳолаш шкаласи специфик унификациясининг клиник ва инструментал меъзонлари аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, КТ герниоабдоминометрия қорин олд девори нуқсонларининг топографиясини, чурра ҳажмининг қорин бўшлиғи ҳажмига нисбатини аниқлаш, операциядан олдинги тайёрлашни тўғри мўлжаллаш ва пластиканинг энг мақбул усулини танлаш имконини беради. Абдоминоптоз билан беморларда операциянинг имплантни фиксация қилиш босқичларида жароҳат кенгайтиргичнинг қўлланилиши, ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларини зарарланишини олдини олиш учун пневматик қурилманинг қўлланилиши реконструктив пластик операция ўтказишни енгиллаштиради. Герниопластика ва дерматолипэктомиянинг биргаликда қўлланилиши вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморлар эстетик ва функционал аҳволини анча яхшилайти, беморлар яшаш сифатини яхшилайти, буни эса тавсия этилган дастур асосида аниқланган объектив ва субъектив белгилар исботлайди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қорин олдинги девори чурраларида бирга келадиган абдоминоптоз билан оғриган беморларда қорин олд девори пластикасини танлашда дифференциал ёндашув бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 08.07.2024 й. 02/40-сон хулосаси):

Биринчи илмий янгилик: операциядан олдин қорин олд деворидаги нуқсонлар топографиясини ва чурра ҳажмини қорин бўшлиғи ҳажмига нисбатини аниқлаш, ҳамда пластиканинг энг мақбул усулини танлаш имконини берувчи компютертомографияли герниоабдоминометриянинг юқори информативлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: операциядан олдин қорин олд деворидаги нуқсонлар топографиясини ва

чурра хажмини қорин бўшлиғи хажмига нисбатини аниқлаш, ҳамда пластиканинг энг мақбул усулини танлаш имконини берувчи компютертомографияли герниоабдоминометриянинг юқори информативлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 апрелдаги 73-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Пластика передней брюшной стенки у больных вентральной грыжей и сопутствующим абдоминоптозом» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: СамДТУ кўп тармоқли клиникаси 18.05.2024 й. 81-сон буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 27.04.2024 й. 421-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: абдоминоптоз билан беморларда герниоаллопластикадан кейин тери – ёғ фартугининг сақлаб қолиниши имплантнинг силжиши, ёки унинг бужмайиши ҳисобига протез атрофидан чурраларнинг ҳосил бўлиши ва касаллик қайталанишининг асосий сабаби ҳисобланади, бу эса дерматолипэктомия бажариш муҳимлигини тақозо этди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4 576 480 сўм (СамДТУ кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 855 300 сўм сарфланади. Агарда беморларда тўлиқ йиллик иқтисодий кўрсаткич 1 810 900 сўмни ташкил етади (бир нафар бемор учун). Хулоса: вентрал чурра ва абдоминоптоз билан касалланган беморларга тавсия қилинган комплекс даво усулини қўлланилиши 1 йилда 1 510 800 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 453 240 сўм бюджет маблағлари, 1 057 560 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қорин олд девори вентрал чурраларининг абдоминоптоз асорати билан оғриган беморлар пластикаси» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6109-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: вентрал чурралар ва абдоминоптозда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулларини дерматолипэктомия билан бирга бажариш орқали қорин олдинги деворини коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: вентрал чурралар ва абдоминоптозда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулларини дерматолипэктомия билан бирга бажариш орқали қорин олдинги деворини коррекция қилиш бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 апрелдаги 73-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Пластика передней брюшной стенки у больных вентральной грыжей и сопутствующим абдоминоптозом» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: СамДТУ кўп тармоқли клиникаси 18.05.2024 й. 81-сон буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 27.04.2024 й. 421-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан

амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларда имплантни мушак – апоневротик лахтакнинг барча қаватларидан ўтказилган П – симон чоклар ёрдамида «onlay» ва «onlay+sublay» фиксация қилиш орқали қорин олдинги деворини коррекцияловчи операциялар кўрсатма ҳисобланади, чунки бунда протезнинг пастга силжиши, ёки унинг бужмайишининг олди олинади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вентрал чурралар ва абдоминоптозда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усуллари дерматолипэктомия билан бирга бажариш орқали умумий ўртача 1 280 600 сўм сарфланади (СамДТУ кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво натижасида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 821 500 сўмни ташкил этади. Хулоса: вентрал чурралар ва абдоминоптозда герниоаллопластиканинг таранглашмаган усуллари дерматолипэктомия билан бирга бажариш орқали аралашувлар қўлланилиши 1 йилда 5 721 600 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 1 416 480 сўм бюджет маблағлари, 3 355 130 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қорин олд девори вентрал чурраларининг абдоминоптоз асорати билан оғриган беморлар пластикаси» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6109-сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: беморларда чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: беморларда чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 апрелдаги 73-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Пластика передней брюшной стенки у больных вентральной грыжей и сопутствующим абдоминоптозом» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: СамДТУ кўп тармоқли клиникаси 18.05.2024 й. 81-сон буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 27.04.2024 й. 421-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморларда чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми ёрдамида беморларнинг оператив даво натижасида эстетик жihatдан ҳаёт тарзи яхшиланишига имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда қўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми билан одатда умумий ўртача 1 180 400 сўм

сарфланади (СамДТУ кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра). Беморларга юқоридаги тавсия қилинган микрохолецистектомия жарроҳликни ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 5 311 800 сўмни ташкил этади. Хулоса: чурра ўлчамлари ва абдоминоптоз даражасига боғлиқ ҳолда кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми қўлланилиши 1 йилда 5 311 800 сўмни иқтисод қилиш имконини беради, шундан 1 593 540 сўм бюджет маблағлари, 3 718 260 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қорин олд девори вентрал чурраларининг абдоминоптоз асорати билан оғриган беморлар пластикаси» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6109-сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомиянинг зарурати клиник асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомиянинг зарурати бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 апрелдаги 73-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Пластика передней брюшной стенки у больных вентральной грыжей и сопутствующим абдоминоптозом» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: СамДТУ кўп тармоқли клиникаси 18.05.2024 й. 81-сон буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 27.04.2024 й. 421-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: дерматолипэктомия семизлик даражасининг яққол камайиши, ташқи нафас, юрак – қон томир тизими кўрсаткичларининг меъёрлашиши ҳисобига жисмоний, ҳамда ижтимоий реабилитациянинг объектив ва субъектив белгиларини яхшилайти. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомиянинг зарурати билан беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 6 893 350 сўм (СамДТУ кўп тармоқли клиникаси прејскурантига кўра) сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 6 648 800 сўмни (2 нафар беморга) ташкил этади. Хулоса: операциядан кейинги эрта ва кечки даврлардаги даволаш натижаларига кўра кўшма герниоаллопластика ва дерматолипэктомиянинг қўлланилиши 1 йилда 6 674 800 сўмни, шундан 2 196 940 сўм бюджет маблағлари, 3 451 810 сўм бюджетдан ташқари маблағлар иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қорин олд девори вентрал чурраларининг абдоминоптоз асорати билан оғриган беморлар пластикаси» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6109-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Абдоминоптоз билан беморларда вентрал чурраларни жарроҳлик даволаш хусусиятлари»** номли биринчи бобида семизлик ва абдоминоптоз билан беморларда вентрал чурра муаммолари, этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, ҳамроҳ абдоминоптоз билан қўшилиб келган вентрал чурра жарроҳлигида қўлланиладиган герниопластика усуллари ва уларнинг қиёсий тавсифлари келтирилган. Чурралар жарроҳлигидаги дерматолипэктомия замонавий жаҳон адабиётига кўра алоҳида тавсифланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида материаллар ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Умумий хирургия кафедраси базасида 2017-2022-йй. давомида вентрал чурра ва абдоминоптоз ташхиси билан операция ўтказилган 105 нафар беморнинг текшириш ва даволаш натижаларига асосланган. Барча беморларга режали равишда оператив даво ўтказилган, ҳамда даволаш тактикасини танлашга кўра беморлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи, таққослаш гуруҳини вентрал чурра ва абдоминоптоз билан бўлган 34 нафар бемор ташкил қилган бўлиб, ушбу беморларга фақатгина герниоаллоластика бажарилган. Иккинчи, асосий гуруҳни 71 нафар бемор

ташқил қилиб, уларга герниоаллопластикага қўшиб дерматолипэктомия ҳам бажарилган.

105 бемордан эркаклар 33 (31,4%) нафарни, аёллар – 72 (68,6%) нафарни ташқил этди. Беморларни ёшига кўра тақсимланиши: 45 ёшгача – 19 (18,1%) нафар, 46-59 ёш – 58 (55,2%) нафар, 60-74 ёш - 25 (23,8%) нафар, 75-80 ёш – 3 (2,9%) нафар бемор аниқланди.

Ортиқча вазн ЖССТ экспертлари томонидан таклиф қилинган таснифга мувофиқ баҳоланди. Қорин олд девори осилишининг даражасига кўра беморлар А. Matarasso (1989) таснифи бўйича тақсимланди. Минимал ва ўртача осилиш (I-II даража) мос равишда III-IV даражали семизлик билан бўлган 34 ва 42 нафар беморда кузатилди. Ўртача ва оғир птоз (III-IV даража) III-IV даражали семизлиги бўлган мос равишда 20 ва 25 нафар беморларда қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг абдоминоптоз ва семизлик даражасига кўра тақсимланиши

| Семизлик | Таққослаш гуруҳи (n=34) | | Асосий гуруҳ (n=71) | | Жами (n=105) | |
|----------|-------------------------|--------|---------------------|--------|--------------|--------|
| | Абдоминоптоз | | | | | |
| | I-II | III-IV | I-II | III-IV | I-II | III-IV |
| III-IV | 20 | 14 | 38 | 33 | 58 | 47 |

Тадқиқот гуруҳларидаги 63 (60,0%) нафар беморда чурранинг асоратланмаган шакллари, 42 (40,0%) нафар беморларда эса тўғриланмаслик каби асорати кузатилди. Чурра қисилиши ва чурра халтасининг яллиғланиши каби асоратлар бизнинг тадқиқотимизда киритилмади.

105 нафар бемордан 86 нафарида (81,9%) ҳамроҳ коморбид касалликлар кузатилди. Улардан 49 нафар беморда 1, 29 нафар беморда 2, ҳамда 8 нафарида 3 тагача бошқа аъзо ва тизимларнинг ҳамроҳ касалликлари мавжуд эди. Ҳамроҳ касалликлар орасида юрак-қон томир тизими касалликлари 82,6% ҳолларда, нафас олиш тизимининг патологияси 19 (18,1%), оёқ веналарининг варикоз касаллиги 20 (19,0%), қандли диабет 32 (30,5%) беморларда кузатилди.

Жарроҳлик тактикасини белгиловчи энг муҳим омиллар чурранинг жойлашиши, нуқсоннинг катталиги ва анамнезида қайталанишлар бор, ёки йўқлиги ҳисобланади. Chervel J.P. ва Rath A.M. таснифига кўра (1999 й) беморларнинг асосий қисмида (93-88,6%) киндик устки (M_1) ва киндик атрофидаги (M_2) чурралар аниқланди. Кам сонли беморларда латерал (Л) 9 (8,6%) ва комбинациялашган ($M+Л$) 3 (2,8%) вентрал чурралар кузатилди. 46 (43,8%) беморларда катта (W_3) ва гигант (W_4) чурралар ривожланган. 105 нафар бемордан 40 (38,1%) нафарида бирламчи чурра, 42 (40,0%) беморда операциядан кейинги вентрал чурра (R_0) ва 23 (21,5%) беморда қайталанган чурралар (R_n) кузатилди.


Компютер томографияли герниоабдоминометрия асосий гуруҳдаги 58 (86,6%) нафар беморда қўлланилди.

КТГА ни ўтказишда ДЛЭни бажариш имкониятини баҳолашда қорин олд девори тери ости ёғ қаватининг қалинлиги ва тақсимланишининг бир хиллигига эътибор қаратилди. 34 нафар беморда чурра чиқиши проекциясидаги нуқсон яққол кўрсатилди. Улар узунлиги 50 дан 250 миллиметргача, кенлиги 50 дан 180 миллиметргача бўлган ҳосилалар бўлди. Чурра дарвозаси проекциясида катта чарви элементлари, ингичка ичак қовузлоқлари, шунингдек, йўғон ичакнинг энг ҳаракатчан қисмлари топилди (1-расм).


Чурра халтаси таркиби ва унинг деворлари ўртасидаги битишмалар аниқланди. Қорин олд деворининг чурра дарвозаси соҳасидаги қалинлиги жуда юпқа бўлиб, унинг қалинлиги баъзан 3-4 мм га етади ($p < 0,05$). Унинг асосий таркибий қисми тери ва қорин парданинг париетал варағидан иборат (2-расм).

Операциядан кейинги вентрал чурра билан бўлган 21 (36,2%) нафар беморларда қорин тўғри мушакларининг ўзгармаган тўқимаси гомоген структурада кўринди, унинг зичлиги 40-50 НУ бирликда, қалинлиги бир сантиметрдан ортиқ, аниқ, текис, ўзгармаган контурлар билан ($p > 0,05$). 37 (63,8%) наар беморларда *m. rectus abdominis* нинг кескин юпқалашиши, тўқималарнинг парчаланиш жойлари мавжудлиги аниқланди ($p < 0,05$).

Зичликнинг диффуз пасайиши фонида мушак элементларини бириктирувчи тўқима билан алмашилиш жойлари яққол аниқланди ($p < 0,05$) ва қорин бўшлиғи тўғри мушагининг гуруҳланган мушак толалари ўртасида ёғ тўқималарининг пайдо бўлиши кузатилди (3-расм) ($p < 0,05$).



1-расм. Бемор П., 56 ёш.
Операциядан кейинги қайталанган вентрал чуррада ($M_2W_3R_1$) қорин олд девори ҳолатининг кўриниши ва компютерли герниоабдоминометрияси



2-расм. Бемор К., 52 ёш.
Операциядан кейинги вентрал чуррада ($M_2W_2R_0$) қорин олдинги деворининг кўриниши ва компютерли герниоабдоминометрияси



3-расм. Бемор Г., 54 ёш.
Операциядан кейинги вентрал чуррада (MLW_3R_2) қорин олдинги деворининг кўриниши ва компютерли герниоабдоминометрияси

Чурра ва қорин бўшлиғининг чаноқ бўшлиғи билан ҳажмини тўғридан-тўғри КТ техникаси билан ҳар бир кесимни кузатиш ва уларнинг натижаларини қўшиш орқали ўлчанди. Бир қатор муаллифлар (Rodrigues A.J., 2003) чурра - шар эканлигини тахмин қилганлиги сабабли, унинг ҳажми $a \times b \times c \times 0,52 = \text{см}^3$ формуласи билан ўлчанган, бу ерда a , b , c - чурранинг кўндаланг, олдинги-орқа ўлчами ва узунлиги ҳисобланади.

ҚББ даражаси сув устунисидаги см ларда ўлчанди, рақамли маълумот кийматлари P мм сим.ст. = P см сув уси./1,36. Формуласи бўйича мм сим.уст.га ўтказилди. ҚББ кўрсаткичининг 12 мм сим.уст.дан ошши интраабдоминал гипертензия (ИАГ) деб ҳисобланади. ҚББ ошиш даражасини аниқлашда J. Burch (1996) таснифидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Вентрал чурра ва абдоминоптоз билан бўлган беморларда қорин олд девори пластика усулини танлашга дифференциал ёндашув**» номли учинчи бобида тадқиқот гуруҳларидаги беморларда ўтказилган даволаш усуллари кўрсатилган. Таққослаш гуруҳидаги беморларда ($n=34$) герниоаллопластика 19 (55,9%) нафарида қорин олд деворини реконструкция, ҳамда 15 (44,1%) нафарида қорин олд деворини коррекция қилиш орқали амалга оширилди.

Асосий гуруҳда оптимал герниопластика усулини танлаш дифференциаллашган тарзда амалга оширилди. Бунинг учун вентрал чурра ва абдоминоптоз билан бўлган беморларда жарроҳлик даволаш усулини танлаш дастури ишлаб чиқилди (ЭХМ учун дастурнинг № DGU 33040-сонли давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги – 2024 йил).

Компютерли герниоабдоминометрия маълумотларига кўра чурра бўртмасининг ҳажми қорин бўшлиғи ҳажмининг 14% игача, ҳамда чурра нуқсони 10 см гача бўлганда дастлаб апоневроз нуқсони дубликатурасиз тикилиб, эндопротезни «onlay» имплантацияси бажарилди (4 – расм). Бу гуруҳни вентрал чурра ва абдоминоптоз билан бўлган 26 (36,6%) нафар бемор ташкил этган бўлиб, уларга, шунингдек, дерматолипэктомия (ДЛЭ) бажарилди.

Чурра бўртмасининг ҳажми қорин бўшлиғи ҳажмининг 14,1% идан юқори, ҳамда чурра нуқсони 10 см дан катта бўлганда таранглашмаган пластика – қорин олд деворининг коррекциясини бажардик. Қорин бўшлиғи ҳажмини ошириш, АКС ривожланишининг олдини олиш учун қорин бўшлиғини чурра халтаси кесмаси билан чегаралагандан сўнг, қорин олд деворини апоневрозга тикмасдан тўр қўйиш орқали пластика ўтказилди. Эндопротез П-симон чоклар билан фиксацияланди. Бу чоклар қорин бўшлиғини чурра халтасини ёпишдан олдин қўйилади, улар қорин пардасигача мушак-апоневротик деворининг барча қатламларидан ўтган бўлади (5-расм). Протезловчи пластиканинг ушбу тури 31 нафар беморда бажарилди.



4-расм. Қорин олдинги деворининг реконструкцияси. Чурра нуқсонини дубликатурасиз тикиш ва эндопротезни «onlay» имплантацияси



5 – расм. Қорин олдинги деворининг коррекцияси. Чурра нуқсонини тикмасдан эндопротезни П – симон чоклар билан «onlay» имплантацияси

Асосий гуруҳнинг 14 (19,7%) нафар беморларига, компютерли герниоабдоминометрия маълумотларига кўра чурра бўртмасининг ҳажми қорин бўшлиғи ҳажмининг 18% идан юқори, ҳамда чурра нуқсони 15 см дан катта бўлганда қорин олдинги деворининг коррекцияси - «onlay + sublay» таранглашмаган герниоаллопластика бажарилди, яъни биринчи имплантат қорин бўшлиғини чурра халтаси қуроқлари билан чегаралагандан кейин мушак – апоневротик қаватнинг орқасига жойлаштирилган бўлса, иккинчи имплантат апоневроз устида жойлаштирилди.

Қорин бўшлиғи қорин парда билан чегаралагандан сўнг, периметри бўйлаб ўлчами чурра нуқсоннинг ўлчамидан 3 см каттароқ бўлган имплант кесилди, сўнгра тўр имплантининг четлари П-симон чоклар билан олдиндан тикилди, имплантга дастлабки чоклар қўйиш уни фиксациялаш техникасини сезиларли даражада осонлаштиради (6-расм).

Шундан сўнг, эндопротез «sublay» усули бўйича жойлаштирилади (7-расм), олдиндан қўйилган П-симон чоклар апоневроз устидаги барча қатламлардан ўтказилади ва шу чокларга «onlay» жойлаштирилган иккинчи эндопротез маҳкамланди (8-расм).



6-расм. Тўрсимон имплант четларини П-симон чоклар билан тикиш



7-расм. Аввалдан қўйилган П-симон чоклар билан эндопротезни қорин олдинги деворига «sublay» фиксацияси



8 – расм. Қорин олд деворини чурра нуқсони тикмасдан таранглашмаган «onlay + sublay» герниопластика билан коррекцияси, эндопротезни мушак-апоневроз қатлам олдинги деворига тикиш

Шунингдек, эндопротезлар орасига тугунли чоклар ҳам қўйилиб, қорин бўшлиғининг сунъий "оқ чизиғи" ҳосил қилинди. Ушбу усулнинг алоҳида аҳамияти қорин олд девори, ҳамда қорин оқ чизиғининг анатомик ва физиологик коррекцияси ҳисобланади. Ушбу усулнинг клиникада қўлланилиши $W_3 - W_4$ даражали чурраларда ижобий анатомик ва функционал натижа берди.

2 – жадвал

Асосий гуруҳда ўтказилган герниоаллопластика турлари

| Операция тури | Сони | % |
|---|-----------|------------|
| Қорин олд деворининг реконструкцияси | | |
| Чурра нуқсонини тикиш билан эндопротезни «onlay» имплантацияси + ДЛЭ | 26 | 36,6 |
| Қорин олд деворининг коррекцияси | | |
| Чурра нуқсонини тикмасдан эндопротезни П – симон чоклар билан «onlay» имплантацияси + ДЛЭ | 31 | 43,7 |
| Чурра нуқсонини тикмасдан эндопротезни дубликатура ҳосил қилиб «onlay + sublay» имплантацияси + ДЛЭ | 14 | 19,7 |
| Жами | 71 | 100 |

Асосий гуруҳдаги барча беморларда қорин олд девори пластикаси тугатилгандан кейин дерматолипэктомия бажарилди.


Бевосита, операциядан олдин терига белгилар қўйилди. Бемор тик турган ҳолатда чурра ҳосиласи, операциядан кейинги эски чандиқ ва тери-ёғ қатлами билан чегарадош олиб ташланадиган тери майдони аниқланди (9-расм).



9-расм. ДЛЭ учун терига “Лангар” типдаги белгининг қўйилиши (Castanares бўйича)

Аксарият ҳолларда тери- ёғ кесмаси мобилизация қилинмади ва апоневрозда ёғ тўқималарининг қатлами қолдирилмади, бу операциядан кейинги даврда қон ва лимфа томирларининг яхлитлигини сақлашга ва трофик бузилишлар туфайли маҳаллий асоратларни олдини олишга имкон берди.

Жароҳатнинг четларини бир-бирига яқинлаштириш учун, агар керак бўлса, тери-ёғ кесмасини минимал мобилизация қилинди, перфрант томирлар сақлаб қолинди, тери ости ёғини апоневроздан эҳтиёткорлик билан ажратилди, перфрант томирлар боғланмади. Ортиқча тери-ёғли кесманинг оғирлиги 6 дан 15 кг гача бўлди.



10 – расм. Вентрал чурра ва морбид семизлиги бўлган беморларда операциядан олдинги тайёргарлик ва қўшма герниоалло- абдоминопластика усулини танлаш алгоритми

Морбид семизлик бўлган беморларда вентрал чурраларнинг тавсия этилган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш асосида герниоаллопластика ва дерматолипэктомия усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган (10-расм).

Диссертациянинг «**Вентрал чурра ва абдоминоптоз билан беморларни жароҳлик даволаш натижалари**» номли тўртинчи бобида олинган натижаларни ишончли баҳолашнинг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилган даволаш усуллари жорий этиш натижалари келтирилган.

